

---

## ДАРАХТ ЭКИШ-УЛУҒ ВА САВОБЛИ ИШ

Риштон туманида Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида туманимизнинг барча ҳудудларида кўчат экиш ва боғлар ташкил этиш ишларини самарали ташкил этилиши юзасидан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Бу борада туманда амалга оширилган ишлар, келгусида режалаштирилган вазифаларга бағишланган Очиқ мулоқотда сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими ходимлари ва МФЙ раислари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар бу борада туманда амалга оширилган ишлар, келгусида режалаштирилган вазифалар ҳақида гапириб ўтдилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш ва боғлар ташкил этиш ишлари Риштон туманида ҳам самарали ташкил этилган бўлиб, ҳозир ҳам давом этмоқда.

2022-10-27 10:59:52